



Обуна — 1995

ЭГИЗАКЛАРГА "ОИЛА ВА ЖАМИЯТ"НИНГ МУКОФОТИ

Оила қурилди. Фарзанд кўришди—қиз. Иккинчи фарзанд яна қиз бўлди. Эр Худодан бир ўғил сўради, хотин ҳам бир ўғилни орзу қилди. Ота-она, қайнота-қайноналар ҳам дастурхон атрофида Оллоҳдан ўғил сўрашди. Худо ҳаммаларига берди—уч ўғил эгизак дунёга келди.

Одат бўйича уларга Ҳасан, Хусан, Тоҳир деб ном қўйишди. Ота-Бахтиёр Эркаев, Тошкент шаҳри Ҳамза тумани Ички ишлар бўлимида хизмат қилади. Она-Мухайё Эркаева уй бекаси. Ота-онанинг ташвиши кўпаяди энди. "Худо ризқини ўзи билан беради", дейишади. Оллоҳ уларга берсин деймиз, умрлари узок бўлсин.

"Оила ва жамият" газети бу оилага ўз тухфасини ажратди. Ёш ота-онага чақалоқларни соғ-саломат ўстириш борасида зарур маслаҳатларни ўқиб туришлари учун, уларни ўз ҳисобидан обуна қилди. 1995 йил 6 ой давомида бу хонадонга "Оила ва жамият" бориб туради.

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

"Оила ва жамият" таҳририяти ўтган йиллар тажрибасидан келиб чиқиб, 1995 йилнинг биринчи ярим йиллигига обуна ўтказишга қарор қилди. Обуна бўлинг, ўқинг. Агар газета екса, 6 ойдан сўнг яна обуна бўлаверасиз.

ОБУНА БАҲОСИ:
ЯРИМ ЙИЛГА — 83 СЎМ 40 ТИЙИН
3 ОЙГА — 41 СЎМ 70 ТИЙИН

ҚУТЛОВ

17-октябр куни Тошкент қўнғироқлари эса беҳисоб. шаҳрида XII Осиё Улар ўзларининг дил чемпионати иш-сўзларини тезроқ тирокчилари тантаналар спортчиларга билан кутиб олинди. етказишимизни ишташади. Юртимиз спортчилари Фурсаддан фойдаланиб Япониянинг Хиросима "Оила ва жамият" шаҳрида бўлиб ўтган таҳририяти ҳам чемпионатда олдинги муштарийлар номидан ўринларни эгаллашиб барча ғолиб ва совринли мамлакатимиз довуғини Ўзбекистон яна бир бор оширдилар. спортчиларини самимий Спорт ишқибозларининг қутлайди. таҳририятимизга

А.Тўраев ва Ф.Қурбонбоев, (ЎЗА) сурати

КЕЙИНГИ СОНЛАРДА:

. Мирозиз Аъзам:

УЛУҒБЕК ВА БОЛАЛАРИ

Аъзам Ахтамов:

СОҒЛОМ ФАРЗАНД ВА ЧИЛЛА ДАВРИ

Жеймс Жойс:

ЭВЕЛИН (хикоя)



«Оила ва жамият» 40 [163]

Бир куни

АВТОБУСДАГИ НОХУШЛИК

Эрталаб ўқишга бориш учун кетгандан кўра, метрогача таксида бекатга чиқганимда, у ерда дугонам турарди. Автобус хозиргина жўнаб кетганини узоқдан кўрганам учун ундан сўрадим:

-- Нега чиқмадинг?

-- Чиколмадим.

Навбатдаги улов ҳам у қадар бўш эмасди. Биз унга чиқиш илнжида яқинлашдик. Бекатдаги йигитлар эса ҳеч кимга қарамай, эшикларга епишдилар. Улар қизлар, ҳатто болали аёлларни ҳам итариб, туртиб, автобусга чиқишарди (Дугонам шунинг учун ҳам чиколмаган). Бу манзарани кўриб, шу автобусда кетшни истамаётганимни кўрган дугонам энгимдан торлди.

-- Юр, шу болалар билан бирга

кетгандан кўра, метрогача таксида борамиз.

-- Нима, метродам шунақа воқеа бўлмаслигига ишонасанми? -- кудлим мен.

-- Илож қанча? Мен бўлмасам ҳам чикмасдинг-ку шу автобусга?

Мен дугонамнинг сўзларини тасдиқлаб, такси тўхтатишга тутиндим.

Шу куни ўқишдан қайтаётганимда, Истиклол бекатидан автобусга чикдим. Автобус ҳали бўшроқ, деярли барча ўтирарди. Ўриндикка жойлашган бир йигит балад овозда гапирарди:

-- ... мана яхшилаб ўтириб олдим.

Энди ким келсаям турмайман, — орқасида ўтирган дўстига ўқтирарди у.

Мен орқамни ўтириб турганим

учун уни кўриш ниятида қайрилдим: нари борса 20-21 ешли йигит. Афтдан талаба бўлса керак. У менинг қараганимни кўриб, тиржайганча кўшиб қўйди:

-- Фаҳат гўзал қизлар илтимос қилса, туришам мумкин. -- Ҳақиқатан ҳам у ҳеч кимга жой бермади.

Эрталабки воқеанинг бошқачароқ манзараси мени ўйлантирди: наҳотки, баъзи йигитлар шунчаликка боришса? Ишончим қомилки, улар онасига эки синглисига шундай муомалада бўлганларни кўрса, одобсиздан бор нафратларини қизғонмайдилар. Нега энди бу йигитлар ўз онасига эки синглисига қилган муносабатини бошқаларга раво кўришмайди?

Ирода САИДОВА

Етти кун

"АЖОЙИБ КИШИЛАР ҲАЁТИ"

Рукнида чиқарилган янги китоб юзидаги ёзувнинг ўзбек ҳикоя қилиниши қаҳрамоннинг қомусий билимга эга эканлигини айтиб турибди. Китоб олим ва журналист Сайди Умиров қаламига мансуб. "Солланиб оқаётган дарё" дея номланган асар тагсарлаҳасида қаҳрамоннинг ростданда ажойиблигини очиб берувчи сўзлар битилган: "олим, муаллим, мутаржим, муҳаррир, ношир, шоир, мақоланавис ва инсон Ғайбулла Ас-Салом портретига чизгилар".

"МОЛ АЧЧИҒИ, ЖОН АЧЧИҒИ"

Эрталабдан чекишнинг хумори кўзиган бир давонгирдай йигит Наманган шохбекатидаги муқиллаган чайқовчи кампир билан нарх борасида келишолмай қолди. У "Астра" сигаретасини 3,5 сўмдан пуллаяпти экан.

Мўъжизани кўрингки, ҳалиги кампир кўп ади-бади айтишиб ўтирмай, бир сакради-ю, ҳалиги йигитнинг ёқасидан шундай кўтардики, йигит сигарета қутисини қандай қилиб жойига қўйганини билмай қолди.

"САННИКОВЛАР ЕРИ"НИНГ МАРДУМИ

"Заркент" колхозининг жарликлар билан ажралиб қолган қисмида бу йил деҳқончиликка зўр берган Алижон ва Фарҳод исмли йигитлар ўзларини Алик ва Федя Санниковлар деб аташмоқда. Чунки, уларнинг наздида аҳолидан ажралган бу ер Санниковлар ери каби эмиш.

ПУЛ ҲАММАНИ ҚИЗИҚТИРАДИ

ТошДД филология факультетининг журналистика бўлими домлалари аълочи талабаларга янги стипендия жорий этиш ниятида юришибди. Степендиялар яхши ният билан бобоқолонларимиз Маҳмудхўжа Бехбудий ва Абдулла Қодирий номлари билан аталмоқчи. Ажабмаски ушбу стипендия ташкил этилагач, қолоқ талабалар ҳам гамирлаб қолишса.

КАМБА ҒАЛНИНГ РИЗҚИ

Челаклик бир деҳқоннинг уйига кирган ўғри бир халта (70 кг) майзини елкалаб кетди. Бунга қарангки, халтанинг бир бурчаги йиртиқ экан, майиз йўл-йўлакай то ўғрининг уйигача тўкилиб борди. Эрталаб деҳқон халтанинг йиртиқлигини хаелига ҳам келтирмаган ўғрини излаб сарсон бўлмади. Майиз тўкилган йўлдан бораверди, йўл эса узоққа бормади. Қўшнисининг уйи олдида тўхтади. Йўл яқинлиги туфайли халтадаги майзининг ҳали ярмиям тўкилмаган экан.

БОЛАПАРВАРЛИК

Тошкент шаҳрида қовун сотаётган икки киши кўчада йиғлаб кетаётган 4 яшарлар чамаси бир болақайни тўхтатишди. Маълум бўлишича, синиқ стул орқалаб олган бу ёш жаноб уйдан адашиб қолган экан. Қовунчилар то кечга доғур елиб-юғуриб, мелиса орқали хабарлашиб ахирини боланинг уйини топиб, олиб боришди. Қараша, эндигина ишдан келиб турган ёш ота-она ўғилларининг йўқолиб қолганлигини хаёлларига ҳам келтирмай кечки овқатга ундашаётган экан.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ

"Оила ва жамият" мени севимли газетларимдандир. Унда берилётган ранг-баранг материалларни доимо қизиқиб ўқиб бораман. Қўлимда сақланаётган ушбу мактубни эса сизларга ҳавола этмоқчиман. Бир Юрақнинг армонлари мени тинч қўймайди. Сабаби, ушбу ёзилган мактуб ўз эгасини топиб бормаган. Ушбу мактуб ўз эгасини топишни ва АРМОН билан кетган қизнинг дардларини тинглаб, уни кечирешини истардим...

Сизларга хурмат билан Лола. Умид ака. Илтимос хатимни ташлаб юбормасдан сўнгишгача ўқиб чиқинг. Бу менинг сизга биринчи ва охириги мактубимдир.

Биламан, мендан хафасиз. Лекин бйрор марта юрагимдаги дардларимни охиришгача эшитган эмассиз. Нима қилай, сиздан кечибдан бошқа иложим йўқ эди. Рост, Сизни севардим, ҳозир ҳам... Орадан йиллар ўтса-да сизни бирор дақиқа бўлсин эсламасам.

Уйлаганингиздек, камбағал бўлганингиз учун сиздан кечиб кетмадим. Сиз ҳозир-ҳозиргача ҳам шундай ўйлайсиз, мени кечирмайсиз... Аслида ҳам шундайми? Бирор марта бўлсин нега шундай қилдинг, деб мендан сўраганимисиз? Йўқ. С ў р а м а д и н г и з. Уйдагиларингизни умидсиз қўйтарганимдан кейин мени кўришни ҳам хоҳламадингиз. Дилимдаги дардларни ўзимдан бошқа ҳеч ким билмайди. Кимга ҳам айтмай ахир.

Кейинги йилларда умрим касалхоналарда ўтаётди. Дард деган нарсани улоқтириб бўлмайди. Юрак касалидаги дарди бедаваси бўлмас экан. Врачларнинг айтишича, бирова турмушга чиқиб фарзанд кўриш каби орзулар мен учун энди ортиқча эмис. Нимаям дердим, аҳволим ўзимга маълу...

Агар озигина умид бўлганда эди, мендан қоладиган биттагина фарзанд учун



А Сапарматов сурати

кимгадир (балки Сизга) турмушга чиққан бўлардим. Афсус! Бу дунёга келиб ҳеч кимсиз кетадиган бўлдим. Умрим ҳеч нарсага арзимайдиган саробга айланди.

Шунча йил яшаб ҳаётимдаги бирдан-бир нур сиз бўлдингиз. Доимо сиз томон интилиб яшадим. Соғдигимни тиклаш учун қанчалик ҳаракат қилмай, ҳаммаси фойдасиз кетаяпти. Биламан, касалманд қиздан ҳамма ҳар вақт узоқроқ юришини. Уйдагиларингиз ҳам энди тушунгандир уларга нима учун рад жавобини берганимиз.

Агарда улар ҳам хабардор бўлсалар мени Сизга лойиқ кўрмасликларини билардим.

Ўқиб баҳона сиздан узоққа кетгандим. Лекин доимо сизни соғиниб яшадим. Тушларимга кирасиз... Ғўеки кимнингдир тўйида юрган эмишимиз. Тўйхонада сизни кўриб гапирмоқчи бўлсам, юзингизни тескари қилганингизча гапирмасдан кетасиз... Доимо шу туш такрорланади.

Шу йиллар мобайнида Сизни бор-йўғи икки марта кўрдим. Эсингиздами, кўча дарвозасига суялиб турганим... Фақат саломлашдик, холос. Ногоҳларингиздан эса жуда

кўп нарсаларни ўқдим. Менга аталган соғинч ва меҳр, ҳаммадан қизганган табассум ҳамда бизгагина маълум бўлган ўқинч. Нигоҳларингиздаги ҳамма нарса менга аталган эди. Энди уларнинг орасида яна бир нарса БЕГОНАЛИК ҳам пайдо бўлибди. Бунга қанчалик рад эмасман олишга мажбурман. Афсус!

Сизни кўришни, сиз билан суҳбатлашишни жудаям хоҳлайман. Аммо энди кеч. Хатимни ўқитганингизда мени энди излаб топиш мумкин эмаслигини ўзингиз ҳам тушуниб етарсиз.

Умримнинг сўнги дақиқаларида Сизга бор дардларимни ездим. Мени кечиринг, Сизни севганим, дилингизга АРМОН бўлганим учун. Мени кечиринг, бу дунёда Сизга қувонч келтира олмаганим учун.

Сизга раҳмат. Бу дунёда борлигингиз учун. Фақат бир илтимос, менинг дардларимни тўғри тушуниг.

Бир мартагина Сиз билан юзма-юз суҳбатлашишнинг иложи бўлганида эди... Афсус! Хайр. Сиз билан бир умрга хайрлашдим. Сизни юрагимда сақладим.

НАРГИЗА.

ЯПОНИЯЛИКЛАР ДАВЛАТ МАДҲИЯМИЗНИ НОТАГА ҚАРАМАСДАН ИЖРО ЭТАДИГАН БЎЛИШДИ

16 октябрь куни Хиросимада XII Осие ўйинлари ниҳоясига етди. Унда ялқ бор иштирок этган спортчиларимиз 10 "олтин", 11 "кумуш" ва 19 "бронза" медалини қўлга киритдилар, ҳамда 42 мамлакат иштирок этган бу мусобақаларда умумжамоада ҳисобда 5-ўринни эгалладилар. Хиросимада вакилларимиз спортнинг 34 туридан фақат 23 тасида иштирок этгани, юкори

ўринларни қўлга киритган Хитой, Курия, Япония спортчилари медалларнинг аксариятини биз иштирок этмаган турларда қўлга киритгани ва энг муҳими Хиросимадаги спортчиларимизнинг сони уларга нисбатан 2-3 баробар кам эканлигини ҳисобга олсак, кейинги ўйинларда бундан ҳам юкори натижаларни қўлга киритишимизга ишонса бўлади.

Байдаркачи Иван Киреев ўйинларнинг ҳақиқий қаҳрамони бўлди. Унга Хиросимада бир йўла 3 "Олтин" ва 1 "Бронза" топширилди. Унга биринчи "Олтин" топширилиб, давлат мадҳиямиз янграганда, уни ижро этувчилар нотадан бошларини кўтармагандилар. Футболчиларимиз ўйинларидаги сўни "Олтин"ни қўлга киритганларда эса ижрочилар олдида нота дафтари кўзга ташланмади.

Ўтган йилнинг бошида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси "Ўзбекистон Республикасида футболни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарор қабул қилганида бу соҳа кишилари учун катта имконият яратилганди. Сал кейинроқ Ўзбекистон Республикасининг Бош вазيري, Республика футбол федерациясининг Президенти Абдулқошим Муталов мамлакат терма командаси, "Пахтакор" жамоаси ва футбол мутахассислари билан учрашиб "дастлабки вазирамиз Марказий Осиеда биринчи бўлиш, сўнгга эса Осие китъасини забт этиш" деган эди.

Шу йилнинг баҳорида "Халқаро Тошкент турнири" ўтказилди ва унда Марказий Осиенинг 5 мамлакат терма жамоаси иштирок этди. Унда Ўзбекистон терма командаси биринчилиكنи қўлга киритди. 3-сентябр куни бўлиб ўтган Мустақиллик кубогида футболчиларимиз Голландиянинг "Витесс" ҳамда "Нек" клубларини мағлубиятга учратиш бош



ЎЗА суратлари

10 "ОЛТИН"НИНГ ЭГАСИ КИМ?

1. Иван Киреев [Байдарка, 500 метр].
2. Иван Киреев [Байдарка, 1000 метр].
3. Иван Киреев, В. Казанцев, А. Колганов ва А. Тюрин тўртлиги [Байдарка, 4x 1000].
4. Олег Маскаев [бокс, 91 кг. юкори].
5. Алишер Авазбоев [бокс, 91 кг.].
6. Шўҳрат Аҳмедов, Энвер Осмонов ва Николай Ремичев учлиги [мерганлик].
7. Светлана Мункова [бандликка сакраш].
8. Оксана Яригина [найза улоқтириш].
9. Рамз Ғаниев [ўнкураш].
10. Футбол. Ўзбекистон футбол командаси.

ФУТБОЛ: ҚАРОР ВА ИЖРО

соверинни қўлга киритишди. Ниҳоят, Хиросимада бўлиб ўтган ўйинларда Осие забт этилди. Ўзбекистон терма командаси 7 учрашув ўтказиб, уларнинг барчасида ғалаба қозонди. Хатто шу йил АКШда бўлиб ўтган Жаҳон чемпионатининг финал мусобақаси катнашчилари -- Саудия Арабистони ва

Курия Республикаси терма командалари ҳам футболчиларимиз маҳорати олдида ожизлик қилишди. Финал учрашувида эса Хитой терма жамоаси дарвозабони тўпни 4 бор дарвоза тўридан олиб чиқишга мажбур бўлди. Осие ўйинлари епилиш жаросимидан олдин чизиқлар бўйича "Энг яхши"лар аниқланди ва 4

совериндан учтаси футболчиларимизга насиб этди: Юрий Шейкин, -- "Энг яхши дарвозабон", Миржолал Қосимов -- "Энг яхши ярим ҳимоячи", Игорь Шквирин эса "Энг яхши ҳужумчи" деб тан олинди. Игорь Шквиринга "Энг яхши футболчи" соврини ҳам топширилди. Шу тариқа футболчиларимиз Ўзбекистон номини оламга таратдилар.



ДУНЁГА ТАНИЛИШ ЙЎЛИ

Шу йилнинг бошида хорижда ўқиб юрган кезларимиз ўша мамлакатга боксчиларимиз ҳам ташриф буюришди. Матбуот иши билан шуғулланиб юрадиган кишилар эмасимиз спорт орқали бўладиган тарғиботнинг нақадар чексиз бўлишини тушиниб етгандик. Зеро, биз (журналистлар) бориб ўзбекистонликмиз деб ўзимизни таништирганимизда кўпчилик "Шундай давлат ҳам бор эканми!" дегандай елка қиснаш, кўнглимиз эса ўқирди.

"Боксчиларимиз яхши натижаларга эришишди. Оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон номини тез-тез тилга ола бошлашди. Мамлакатимиз ҳақида эшитмаган дўстларимиз эса ўзбекистонлик боксчиларнинг ғалабаси ҳақида ўзимизга гапира бошладилар. "Ие, боксчиларингиз зўр экан-ку!".

Уларнинг гаплари кўнглини кўтарар, ўзга давлат, ўзга тилда чоп этиладиган газеталарда Ўзбекистон деган сўзнинг дукмрон бўлиши қалбимизда мағрурлик бахш этарди. У кичик бир турнир эди, холос. Осие ўйинларидаги муваффақият эса дунёга Ўзбекистон ҳақида бекнес тасаввур берди.

Ҳ. САИДОВ

ҲАР КИМ ХИЗМАТИГА ЯРАША ОЛАДИ

17 октябр куни XII Осие ўйинларида иштирок этган Ўзбекистон спортчилари Япониянинг Хиросима шаҳридан ватанимизга қайтиб келди. Ана шу муносабат билан Тошкент аэропортида тантанали кутиб олиш маросими бўлди.

Маросимни Тошкент шаҳар ҳокими К. Тулаганов очди. Республика Президентининг Давлат Маслаҳатчиси, спорт делегацияси раҳбари А. Азизхўжаев Хиросимада хилпиратган Ўзбекистон байрогини Бош Вазир А. Муталовга топшириб, спортчиларимизнинг эришган катта ғалабалари ҳақида гапирди.

Маросимда сўзга чиққан Бош Вазир А. Муталов, Ўзбекистон халқ шoirи Э. Воҳидов, Республика давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси С. Рўзиев, ва бошқалар спортчиларни табриклаб,

Ўзбекистон спортчилари нуфузли халқаро мусобақада ватанимиз шарафини муносиб химоя қилганларини, айниқса, футболчиларимизнинг Осие ўйинлари чемпиони унвонини қўлга киритиши ажайиб воқеа бўлганини таъкидладилар.

Шаҳар жамоатчилиги вакиллари, ешлар, спорт мухлислари Осие ўйинлари катнашчиларини карнай-сурнай садолари остида шоду хуррамлик билан кутиб олдилар, уларга гуллар тақдим этдилар. Фурсаддан фойдаланиб, биз футбол бўйича Ўзбекистон терма командасининг бош мурабийси Рустам Ақромовдан Хиросимадаги юксак натижа ҳақида гапириб беришини сўрадик.

Футболчиларимизнинг ютуғи кутлмагани учун ҳам энг салмоқлиси бўлди. Бироқ мен фақат футбол эмас, барча

спорт турлари вакиллари ҳақида гапирмоқчиман. Биз бир оила фарзандларидек ахил-иноқ яшадик, буш қолдик дегунча бир-биримизга ишқибозлик қилиб, қўллаб турдик. Хиросимага борган спортчиларимизнинг ҳар учтасидан бири медал билан қайтганлигининг ўзи оламшумул воқеадир. Биз фақат спорт майдонларида эмас, балки кўча-кўйда ҳам ҳаммага ўрнак бўлдик. Шундан бўлса керак Япониялик мухлислар йигит-қизларимизни еқтириб қолишди ва спорт бахсларида қўллаб-қувватлашди.

Эндигина 3 ешта тўлиб атак-чечак қилаётган Мустақил давлатимизнинг номини бутун оламга таратишга ҳисса қўшаётганимиздан ўзимизни бахтиёр деб ҳисоблаймиз...

Саҳифани Аброр Имомхўжаев тайерлади

Обуна — 95

ОИЛА — МУРАККАБ УЮШМА

— "Оила ва жамият" ҳақида фикрингиз... Эътирозларингиз, таклифларингиз борми!

— Оилани мустақамлаш йўлида кўп хайрли ишлар қилинаётган, жамиятимизда тинчлик, хотиржамлик ҳукм сураётган бир пайтда "Оила ва жамият" тўғрисида нималар ҳам дейиш мумкин? Очигини айтсам, бир йўқичи сифатида жиддий эътирозим йўқ. Газета ўз номинга муносиб иш тутмоқда. Сизлар кўпинча воқеа-ҳодисаларга бугунги кун кўзи билан қарашга, ҳулоса ва талқинларда айрича ўзига хосликка эришишга интиласизлар. Менга кўпроқ бошқа ҳамкасбларингиз кўзи тушмаган, ҳали-ҳануз матбуот юзини кўрмаган мавзуларни пайқабтганингиз, айрим жанрлар имкониятларини ана шу "саътирлик" ҳисобига бойтаётганингиз маъқул келади. Бундан ҳам муҳими — ҳафталик саҳифаларда зълон қилинаётган ёш муаллифларнинг ижод намуналарини ўқиб, журналистикага бизнинг ортимиздан иқтидорли, журватли ёшлар кўриб келаётганини кўриб хурсанд бўламан. Бугун улар, эҳтимол оилавий муносабатлар, уй-рўзгор, турмуш ташвишлари тўғрисида кўпроқ ёзаётгандирлар. Аммо, ишончим комилки, аини шу қаламкашлар эрта-инди жиддий ва

мураккаб мавзуларга ҳам дадил қалам урадилар.

Оила — бу дунёнинг энг мураккаб уюшмаларидан бирidir. Биридир-бирига тамомила ўхшаш, қувончу ташвишлари, бахт бахтсизликлари мутлоқо фарқ қилмайдиган икки оилани кўрганамисиз? Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. Ҳар бирининг бетакор ўз олами бор. Шу сабабли ҳам бу оламининг "ички ишларига" аралашганда эҳтиёт бўлмоғимиз, газетачилигимиз тўтиб кетиб, ҳеч кимга ишонилмаган, ҳатто энг яқинларга ҳам ширванлмаган кўнгил тугенларини тўйқус ошкор қилиб қўймаслигини керак. Бу энди, ҳаммамизга тегишли гап. Жуда кўплар биз билан пилҳона диллашмиш истайдилар. Биз эса, гоҳо ана шу сирли сатрларни қадрлай билмаймиз...

Яна бир фикр. Тасодиқий, "қайроқчи" фактлардан қочиб керак. Қўрада боқилмаган кўчорининг думбасини кесиб кетишгани тўғрисидаги ахборотдан кўра шу ўрғиланин маънавий қиёфаси тўғрисидаги мулоҳазалар фойдалироқдир. Ҳар қандай наشرينг чин баҳоси энг аввало сўз ва фикрининг салмоғидан келиб чиқади. Енгил нарсалар парҳез таомдай тез ҳам бўлиб кетади, қоринда турмайди.

— "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" да нима гаплар!

— Узимизга келсак, одатдагидек, шу кунларда йилни якунлаш, обуна мавсумини ўтказиш ташвишлари билан бандмиз. Ишхонада, уйимизда тинчлик, хотиржамлик. Эътибор берган бўлсангиз, кейинги пайтларда кўпчилик газеталар компьютерда терилмоқда. Босмадондан хабар қилишларича, бизга ҳам навбат етиб келган. Яхши томони — ҳаражатлар биров қисқаради, мураккаблиги — компьютернинг ҳам ўзига хос мураккабликлари бор. Уни ўзлаштириш, техник талабларига қатъий риоя қилиш керак.

Янги йилда "Тарих ва тақдир", "Биз киммиз?", "Ўзбеклар ва дунё", "Рухий қилмаларида", "Малҳам" каби руқиларимиз газетамизнинг асосий йўналишини белгилайди. Тарих ҳақиқатларига, мерос муаммоларига, мустақиллик кишисининг маънавий-ахлоқий қиёфасига кўпроқ эътибор берамиз. Ёзувчилар уюшмасининг 60 йиллиги муносабати билан қабул қилинган қарорда кўзда тутилган вазифаларни

бажаришда фаол қатнашамиз. Бундан кейин ҳам мақолаларда фикр мустақиллигига, тафаккур ривожига алоҳида эътибор берамиз.

И ж о д и й жамоамиз анча муъжазлашиб қолган. Ҳар бир киши амалда бир-икки ҳисса иш бажаришга тўғри келади. Аммо, қувончлисундаки, бундаймасулуятли ҳарбиримиз ўзимиз учун гурур деб биламиз, касбимизда фахрланамиз.

Газетамиз ҳар бир сонининг босмадан чиқиши биз учун ҳам чинакам байрам ҳисобланади.

— Обуначиларингиз сафи бундан ҳам кенгайсин.



Ахмеджон МЕЛИБОЕВ — "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газети бош муҳаррири.



— Мана, анчадан бери "Маҳобҳорат" да овоз берярсиз, бу филми томошабинларга қанчалик таъсир қилди деб ўйлайсиз!

— "Маҳобҳорат" дан ўзбек халқи кўп маънавий озуқа олди деган фикрдаман. Уни китоб ҳолида, эҳтимол, кўпчилигимиз ўқимасдик. Бунинг экранда, яна ўзбек тилида намоён қилиниши катта ютуғимиз. Фильмни шу пайтгача ҳам кўпчилик кўраётвди. Лекин "Қимор" сериясидан кейин жуда кўпчилик қизиқиб томоша қила бошлади. Агар кўраётган бўлсангиз, поклик, ҳалоллик, умуман зағулик ва асосийси Оллоҳга нмон тушунчаларни чуқур фалсафий ифодасини топан.

— Фильмининг ана неча серияси қолди?

— Яна беш серияси бор.

— Ҳожиакбар ака, "Маҳобҳорат" сизга ёд бўлиб кетган бўлса керак. "Маҳобҳорат" ни ёд билиш одамилай файласуф қилиб юборади, дейишди.

— "Маҳобҳорат" ростдан ҳам нафақат ҳинд, балки бутун Шарқнинг энг қадим фалсафаси. Энди, биз жудаам файласуф бўлмасак-да, анчагина ибрат олдик.

Шунинг ўзи катта гап.

эмас. Уша пайтда мактабда драма тўғрақларни авж олганди. Кўпроқ шу таъсир қилган.

— Оилангиз ҳам санъаткор бўлса керак!

— Йўқ, авелим сизлардай журналист, телевиденида муҳаррир. Тўртта фарзандимдан бирортаси ҳам санъаткор бўлмаган. Эҳтимол, оталарининг қийналаётганини кўриб шундай қилишгандир.

— Ҳозир театрга қизиқиш биров сусайганининг асосий сабаби нимада деб ўйлайсиз!

— Ҳамма айб ўзимизда. Мана, кейинги пайтда машҳур адибларимиз Чўлпон ва Фитратнинг асарларини саҳналаштирсак, кўпроқ томошабин тортмасиз деб ўйловдик. Кутганимиздек бўлмади. Айб ўзимизда деганимиз, сиз биров томоша кўриб, 8 олингизиз 8 ҳиссингиз билан боғланиб қоласиз, сизга нимадир таъсир қилади. Нима, ўша, таъсир қиларди!

Бу — маҳорат. Актерлик маҳоратининг етимишлигини кўпроқ томошабини беъдирди.

— Ҳожиакбар ака, машҳур бўлиш сизга ёқса керак!

— Албатта ёқади. Сиз актер бўлганингиздан кейин сизни танишсин-да, кўчада эътибор

катта орзум: театрда, кино, радио, дубляжда, ишқилиб, санъатга хизмат қилиш. Актер учун кечер қолиш — гийбат. Халқ эътиборидан болиш — фожиа.

— Ҳозир нима иш билан бандсиз?

— Шўхрат Аббосов, Маҳмуд Тўйчиевлар сценарийси асосида ишланаётган "Жаннатда бир кеча" фильмида сувартага тушялман, режиссеримиз Нозим Аббосов. Эрталабдан кечгача съёмкадамиз.

— Сизга қандай рол тегили?

— Менинг бир принципим бор — умуман рол танламайман. Бирор ролни, хоҳ у салбий бўлсин, менга позим кўришдими, бу менга плюс. Бу фильмда салбий бир қиёфада чиқаман.

Сценарийнинг асосий мазмунини шундан иборатки, инсонийлик қиёфасини йўқотган бир одам ўзини жамият учун кераклик, яхши одам деб боғлайди. Ваҳоланки, унинг суварати одам ҳолос. Асосан фильмда инсонийлик гоёси илгарни сурилган.

— Демак, тез орада филм тайёр бўлса керак!

— Анчага чўзиладиганга ўхшайди.

— Энди томошабинларга, қолаверса

ҲОЖИАКБАР НУРМАТОВГА МАШҲУРЛИК ЁҚАДИМИ?

Актер Ҳожиакбар Нурматовни танимаган ўзбек бўлмас керак. Ана йилдан бери театр ва кинода ижод заҳмати билан яшаган актёрни ҳали ҳам ижод иштироки ва ҳазилкашлик тарк этгани йўқ.

— Ҳожиакбар ака, гапини сизнинг "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетига босилган "Оққуш" қиёфанингиздан бошласак. Уша суваратни кўрган кўпчилик ҳамкасбларимиз сизни оригинал одам деб баҳолашяпти. Бу ростдан ҳам дўстларнинг фангазаясимиз!

— Сувараткаш болалик ўртоғим. "Эгарчи" маҳалласида бирга ўсганмиз. Шу ёш кунларидан биринда уйда қалта шим кийиб юрвдим. Содик деган уша ўртоғим суваратга тушириб қўйди. Кейин у суваратни газетига бериб юборибди. Аммо мен аччиқланмадим. Ахир биз актёрмиз. Ҳар хил қиёфада кўринамиз. Ундан кейин бу беғидир бир ҳазил-да.

— Ҳозир сизга қаерда осонроқ: саҳнадами, дубляждами!

— Мен учун ҳаммаси ҳам санъат. Осон йўқ. Осон кўчган ишининг натижаси тотли бўлмайди.

Кўпчилик дубляжда қоғозга қараб ўқиб берадилар, оғирлиги йўқ дейишади. Лекин, баъзан битта сўз устида таржиомон билан тортишиб қоламиз. Тўзуқроқ ифода топа олсак, хурсанд бўламиз.

Менинг актерлик йўлим жуда оғир келган. Кўпчилик сўз ёдлаб, саҳнага чиқиб, яна кетаверади. Лекин мен то саҳнага чиққунча "томошабин мени қандай қабул қиларкин!" деб ҳаюватимни йўқотаман. Ролин уйнаб бўлгандан кейин ҳам, "маромига етказ олдиммикан!" деб ўзимни ўзим еявераман. Сочим ҳам шундан тўқилиб кетган бўлса керак.

— Актер бўлиш сизнинг орзунигизмики ё тасодифми?

— Тасодиф десам бўлади. Бу орзум бўлган

бершини. Ишимизнинг мезони шунда — қанча кўп одам сизни танишида, Машҳурлик ёмон нарса эмас. Мана, яқинда шоферимиз йўл қончасини билмасдан бузиб қўйди. Дарров машинадан тушиб, бизни тўхтаган милиционерга рўбарў бўлдик. Милиционер мени таниб, қуюқ саломлашди ва "Маҳобҳорат" ҳақида сўрай бошлади. Шу билан вазият анча юмшади. Шофер йигитнинг ҳам кўнгли жойига тушди. Мана, театримида 66 та актер ишлайди. Сиз уларнинг ҳаммасини танимайсиз, албатта. Эл-юрт актёрни таниса, шу унинг бахти.

— Келгусидани режаларингиз қандай?

— Биз кимгадир муътемин, яъни театрга, драматургга. Шунинг учун сизга тўлиқ жавоб беролмасам керак.

Тўғри, кўнглимда орзуларим бор, у менинг ички хаёлларим. Кечирасиз-у нозик орзуларимни ойлмларга ҳам айтмаганман. Эиз бўлишдан кўрққанман. Менинг келажакдаги инга

газетхонларга тилқаларингиз!

— Энг асосий тилқам, касал бўлишмасин. Халқимиз дастурхони тўкин бўлишини истайман.

Аёлларнинг ҳунигини кўришни истамайман. Эркаларнинг бақувват бўлишини истайман. Қалблари кенг бўлишини, муҳаббатга ошно бўлишини истайман.

Мен оддий инсонман, шунинг учун халқимга ҳам оддий инсонлик тилайман. Инсон дегани бу — буюк даража.

"Оила ва жамият" ўзини юқори мавқеда тўтиб турибди. Ундан кейин санъаткорлар ҳақида кўп материаллар бериб, хайрли иш қилаёттиди. Умуман, мени ҳам йўқлаб келганларингиз учун раҳмат.

— Сизга ҳам мазмувли суҳбат учун раҳмат! Рустам МИРАЗИМОВ суҳбатлашди.

Бош муҳаррир:
Абдуҳошим ИРИСБӨЙ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Қўлман ОЧИЛ, Жуманазар БЕКНАЗАР,
Дадаҳон ЁҚУБОВ, Фарҳод РЎЗМӨВ,
Мухаббат ИБӨДӨВӨ, Ҳалим САИИДИ
(бош муҳаррир ўринбосари), Ботир
ЭРНАЗАР (масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Зокир УБАЙДУЛЛАӨВ, Рўзимат САФӨӨВ,
Абсалом УСАНОВ, Абдумуталиб РИЗОКУЛОВ,
Муассис: Ўзбекистон Республикаси болалар
жамғармаси.
Газетамиз ҳомиysi Ўзбекистон Республикаси Болалар
жамғармасининг "Чинор" илмий ишлаб чиқариш
бирлашмаси.
Тахририят келгев хатларга эъти жавоб қайтармайди. Шунингдек,
фуқаролар билан ташкилотлар ўртасида востачилик ҳам қилмайди.
Газетамиздан олинган маълумотлар "Оила ва жамият" дан деб
курсатилиши шарт.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700029, Мустақиллик майдоии, 5-бино. 3-
қават
Телефон: 39-43-95
Икром ИСКАНДАР навбатчилик қилди
Обуна индекси - 64654
Рўяхатга олиш №33
Буюртма №F-1159, 18634 нусхада чоп
этильди. Офсет усулида босилди. Формати А-
3, ҳатми, 2 босма табоқ.